

д.ф.н. Э.М.Иззетова
ТошДШИ “Шарқ фалсафаси ва маданияти”
кафедраси профессори
Мансурова Н.
ТошДШИ 1-курс магистранти

ХАВФСИЗЛИК, ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИК ВА МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИКНИ САҚЛАШНИНГ БУГУНГИ КУНДАГИ АҲАМИЯТИ

Инсоният қайси даврда яшамасин, унинг учун энг олий қадрият бутинчилик ва барқарорлик бўлиб келган. Ушбу икки омил ҳукм сурган мамлакатда тараққиёт, ривожланиш ва фаровонлик бўлади. Шу жиҳатдан, унга эришишда ҳар бир давлат ўзининг маълум бир сиёсатини юритади.

Ўзбек халқи азалдан тинчликсевар, тотувликни хуш кўрувчи халқ бўлиб, бу асрлар давомида ўз исботини кўрсатиб, Республика бош қонуни – Конституцияда ҳам ўз ифодасини топган. Бош қомусимизнинг бир қанча моддалари миллатлар ўртасида тотувлик, тенглик ҳамда эътиқод эркинлигини мустаҳкамлаб қўйган бўлиб, мана 25 йилдирки, ўзининг амалиётдаги кучини намоён қилмоқда ва миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликнинг ҳуқуқий асоси бўлиб келмоқда. Хусусан, Конституциянинг 4-моддасида Ўзбекистон Республикаси ўзининг ҳудудида яшовчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлаши ва уларнинг ривожланиши учун шароит яратиши тўғрисидаги қоида белгилаб қўйилган бўлиб, у Республикада ташкил этилган байналмилал маданият маркази ва миллий маданият марказлари фаолиятини ташкил этишда ўзига хос йўналишларни белгилаб берди. Қолаверса, **миллий ғоямизнинг узвий таркибий қисмларини ташкил қиладиган** тамойиллар таркибида **миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик каби** тушунчаларнинг ҳам мавжудлиги ушбу масалаларнинг нафақат ҳуқуқий балки, ижтимоий жиҳатдан ҳам қўллаб қувватланишини билдиради.

Қолаверса, Конституциямизнинг 31-моддасида эътиқод эркинлиги таъминлаб қўйилган: “Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиши ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди.”

Бунга қўшимча тарзда 1998 йил 1 майда янги таҳрирда қабул қилинган “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонуннинг 1-моддаси ҳам айнан Конституциявий қоидани тўлдиради. Унда қонуннинг мақсади келтирилган бўлиб, шундай дейилади:

Ушбу қонуннинг мақсади ҳар бир шахснинг виждон эркинлиги ва диний эътиқод ҳуқуқини, динга муносабатидан қатъий назар, фуқароларнинг тенглигини таъминлаш, шунингдек диний ташкилотларнинг фаолияти билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиб туришдан иборат.¹

¹ Ўзбекистон Республикасининг қонуни. «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида» - 1998 йил, 1 май.

Дунё мамлакатларининг баъзиларида жангу жадаллар, оммавий қирғин, баъзиларида эса диний экстремизм ва терроризм таҳдидининг ачинарли таъсири кўришиб турган бир даврда тинчлик, хавфсизлик, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни сақлаш ўта мушкул ва муҳим масала ҳисобланади. Агар эътибор берилса, мана шу 20 йилликда турли сабаблар туфайли қатл этилган инсонлар сони инсоният тарихидаги иккита Жаҳон урушидан ҳам кўп эканига гувоҳ бўлиш мумкин.

Бугунги кунда бутун дунёни даҳшатга солаётган терроризм хавфи сир эмаски, Марказий Осиё минтақаси учун ҳам жуда катта хавф туғдирмоқда. Хусусан, минтақада мавжуд терорстик ташкилотлар унинг хавфсизлиги, барқарорлигига таҳдид қилмай қолмайди. Унинг даражасини янада яққол кўрсатиш учун қуйидаги маълумотларни ҳавола этамиз.

АҚШ Тинчлик ва иқтисодиёт институти бир неча йилдан буён турли глобал терроризм ҳамда глобал тинчлик индексларини эълон қилиб келмоқда. Одатга кўра, 2017 йилда ҳам рейтинглар эълон қилиниб, жаҳон оммасига тақдим этилди. Унда келтирилган маълумотларга кўра, 2017 йилда терроризм туфайли ҳалок бўлганлар сони ўтган йилдагиларга нисбатан камайгани қайд этилган.

2017 йилнинг май ойида эълон қилинган глобал терроризм индекси ҳам одатдагидек дунёнинг 99,7 % аҳолисини ташкил этадиган 163 та мамлакат қатнашиб, индекс 10 баллик кўрсаткич бўйича аниқланди. Рўйхатнинг аввалги 5 та қаторидан Ироқ, Афғонистон, Нигерия, Сурия, ва Покистон давлатлари ўрин олган. (Айтиш жоизки, 2015, 2016 йиллардаги рўйхатнинг “кучли” бешлигидан ҳам худди шу давлатлар ўрин олган эди.) Ён кўшниларимиз Қозоғистон 2,95 кўрсаткич билан 67, Тожикистон 2,427 кўрсаткич билан 72, Қирғизистон 1,989 кўрсаткич билан 79- ўринда турипти. Ўзбекистонда эса, бу кўрсаткич 0,077 га тенг бўлиб, давлатимиз 125 - ўридан жой олган. (*Батафсил 1-илова*)

Тўғри, қолган кўшниларимизга нисбатан бу кўрсаткич паст бўлиши мумкин, аммо 2015 йилда бу 0 га тенг бўлган эди. Маълумотларга кўра, минтақада фақатгина Туркменистон бу кўрсаткич 0 га тенг.²

Шунингдек, журналда келтирилишича, ИШИД ҳамда Боко ҳарам ташкилотлари 2015 йилда содир этилган қурбонликларнинг асосий жавобгаридир.

Кўшни Афғонистон рўйхатда ҳаттоки Суриядан ҳам олдинда! Бу эса албатта, минтақага ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди. Шу боис, унинг хавфини теран англаш хавфсизлик ва барқарорликни сақлашда жуда катта аҳамият касб этади. 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар Стратегиясида ҳам айнан мана шу масалага алоҳида ўрин ажратилди. Ундан келиб чиқиб, ҳар йил давлат Дастурлари қабул қилинмоқда, бу соҳада ислохотлар амалга оширилмоқда.

Хавфсизлик ва миллатлараро тотувликни таъминлашга эътибор қаратар экан, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев “янада огоҳ ва сергак бўлиш,

² [http://economicsandpeace.org/Global terrorism index 2017](http://economicsandpeace.org/Global%20terrorism%20index%202017)

энг асосий бойлигимиз бўлган ва биз ҳақли равишда фахрланадиган кўп миллатли халқимизнинг бирдамлиги ва жипслиги кўз қорачигидек асраш ҳамда янада мустаҳкамлаш Ўзбекистонни ўз ватани, деб биладиган ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчидир”, - дея таъкидлади. Демак, тотувликни таъминлашда ватанзимизнинг ҳар бир фуқаросида ахлдорлик ҳисси бўлиши лозим.

Мавзунинг методологик асосларини Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислоҳ Каримов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев асарлари, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар Стратегияси ташкил этади.

Юқорида таъкидланганидек, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш ҳар бир давлат раҳбарининг олдида энг асосий вазифа ҳисобланади.

Мустақил Ўзбекистоннинг амалдаги Президенти Шавкат Мирзиёев фаолияти ҳам айнан мана шу нуқтаи назардан олиб борилмоқда. Ўз ишларини қўшни мамлакатлар билан ўзаро алоқаларни янада яхшилаш, дўстона муҳитни янада кучайтириш билан бошлаган Президент ўз мамлакати ва минтақасидаги вазиятлар ўзгаришига сезиларли таъсир кўрсатишга қодир бўлган жаҳоннинг биринчи ўн нафар етакчиси рўйхатига киритилди.

Турк нашрларида қайд этилишича, мазкур рейтингдан жой олган ўн мамлакат етакчиларининг исми шарифлари, эҳтимол, шу пайтга қадар жаҳон ҳамжамияти учун таниқли бўлмаган, бироқ 2018 йили улар «ҳар бир кишига ўзларини танитишади»³.

Деярли ҳар бир нутқида ушбу икки масалага алоҳида аҳамият бераётган юртимиз раҳбари ўз фаолияти мобайнида хавфсизлик, динлараро бағрикенглик ва миллатлараро тотувлик соҳасида бир қанча сезиларли ишларни амалга оширмоқда. Хусусан, Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Асамблеясининг 72-сессиясида терроризмга қарши куч ишлатиш йўли билан курашиш усули ўзини оқламаётгани, одамлар, биринчи навбатда, ёшларнинг онгу тафаккурини маърифат асосида шакллантириш ва тарбиялаш энг муҳим вазифа эканини қайд этди.

“Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш мақсадида амалий ҳамкорликни янада мустаҳкамлашимиз лозим,” – деди давлатимиз раҳбари Самарқанд шаҳрида ўтган **“Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик”** мавзусидаги халқаро конференцияда сўзлаган нутқида.

Хусусан, “Халқ билан мулоқот, инсон манфаатлари” йилида бир қанча ишлар Шавкат Мирзиёев номи билан боғлиқ бўлиб, уларнинг баъзиларини келтиришга қарор қилдик.

Қирғизистон ва Ўзбекистон ўртасида чегараларининг очилиши.

³ <http://www.press-service.uz/> Шавкат Мирзиёев минтақадаги вазиятлар ўзгаришига таъсир кўрсатишга қодир жаҳоннинг ўн нафар етакчиси рўйхатида

2017 йил 5-6 сентябрь кунлари Шавкат Мирзиёев Қирғизистон Республикаси Президенти Алмазбек Атамбаев таклифига биноан Қирғизистон Республикасида бўлди. Ташриф доирасида кўшни ўзбек ва қирғиз халқлари манфаатларига хизмат қилувчи қатор келишувларга эришилган эди. Айнан мана шу ташрифдан сўнг, Андижон ва Ўш шаҳарлари ўртасидаги “Дўстлик” чегара пункти тантанали равишда очилди. Шундан сўнг икки давлат чегарасидаги яна 6 та чегара пункти тўлақонли ишга туширилгани хабар қилинган.

Кейинчалик, Наманган вилояти Косонсой тумани ва Жалолободнинг Олабуқа туманидаги чегара ўтказиш пункти ҳам очилди. Бу эса, асрлар давомида икки қардош халқнинг ўртасидаги алоқаларни янада мутахкамлаш, дўстлик ва биродарлик туйғуларини чуқурлаштириш ҳамда ҳар томонлама ҳамкорлик қилиш учун кенг имконият яратиб берди.

Икки томонлама муносабатларни ривожлантириш йўлидаги улкан хизматлари учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев «Данакер» ордени билан мукофотланди. Қирғизистоннинг олий мукофотларидан бўлган ушбу орден халқлар ўртасида тинчлик, дўстлик ва ҳамкорликни мустахкамлашга, миллатлараро тотувликни сақлашга, илм-фанни ривожлантиришга, миллий маданиятларни яқинлаштириш ва бойитишга катта ҳисса қўшган инсонларга берилади.⁴

Афғонистон ва Ўзбекистон ўртасидаги алоқаларнинг янада яхшиланиши. Афғонистон Ислом Республикаси раҳбарияти билан бошланган дўстона алоқалар Шавкат Мирзиёев даврида ҳам ўз долзарблигини сақлаб келмоқда. Хусусан, Афғонистон раҳбарининг 2017 йил 4 – 7 декабрь саналарида бўлиб ўтган ташрифи давомида сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт-коммуникация, фан, таълим ва бошқа соҳаларда ҳамкорликни янада мустахкамлашга қаратилган 20 ҳужжат имзоланди. Хавфсизлик масалалари бўйича қўшма комиссия тузиш, Фуқаролик, оилавий ва жинсий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам, Сурхон – Пули Хумри электр узатиш линиясини қуриш, Мозори Шариф – Шибирғон – Маймана – Ҳирот темир йўлини барпо этиш, юк ташиш, божхона соҳасидаги алоқалар тўғрисидаги ҳужжатлар шулар жумласидандир. Шунингдек, ташриф доирасида умумий қиймати 500 миллион доллардан зиёд бўлган 40 дан ортиқ экспорт шартномаси имзоланди. Президентлар оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда бўлиб ўтган музокаралар ва имзоланган ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси билан Афғонистон Ислом Республикаси ўртасидаги ўзаро манфаатли ва узоқ муддатли алоқаларни янада мустахкамлашга хизмат қилишини таъкидладилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 19-сентябр куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқида яна бир бора Афғонистон муаммоси тилга олди, ҳамда уни бартараф этиш бўйича ўз таклиф ва мурожаатларини тақдим этди.

⁴ http://www.press-service.uz/OAB_вакиллари_билан_учрашув

Ўз нутқида хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик масалаларига тўхталар экан, юртимиз раҳбари сессия иштирокчиларига БМТ Бош Ассамблеясининг "Маърифат ва диний бағрикенглик" деб номланган махсус резолюциясини қабул қилиш таклифи билан муурожаат қилди.

Умуман олганда, Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида олиб борилаётган ислохотлар ўз ўрнида жаҳон афкор оммаси томонидан кучли қизиқишга сабаб бўлмоқда, ўрганилмоқда ҳамда эътироф этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармонида мувофиқ тасдиқланган “2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар Стратегияси”(кейинги ўринларда Ҳаракатлар Стратегияси) том маънода Республикамиз “қиёфа”сини ўзгартиришга қаратилди.

Ўзбекистонда 2011 йилдан бери фаолият олиб бораётган “Минтақавий мулоқот” (Regional Dialogue) ННТ раҳбари Мьюша Север Ҳаракатлар Стратегияси хусусида сўзлар экан, шундай хулосавий фикрларни айтиб ўтди:

“Тақдим этилган стратегиянинг йўналишларини тўғри ва ўринли, деб ҳисоблайман. Мен мазкур стратегияни бир неча йиллардан бери қўллаб келаман. Бизнинг ташкилот унинг амалиётда жорий этилишига ёрдам беришда давом этади. Бу катта вазифа ва биз уни амалга ошириш учун бирлашиб, ҳамкорликда ишлашимиз зарур”.

Ҳаракатлар Стратегиясининг Бешинчи устувор йўналиши айнан хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш ҳамда чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишларга бағишланган бўлиб, ушбу йўналиш оқ рангда кўрсатилди. Сир эмаски, оқ ранг тинчликсеварлик сиёсати элементлари ҳисобланган тинчлик ва софлик рамзи ҳисобланади. Дастурда келтирилган маълумотларга кўра, ушбу хавфсизлик, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни таъминлаш борасидаги устувор йўналишлар этиб қуйидагилар кўрсатилди:

Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузуми, суверенитети, ҳудудий яхлитлигини муҳофаза қилиш;

ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва ахборотни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, ахборот соҳасидаги таҳдидларга ўз вақтида ва муносиб қаршилик кўрсатиш;

фуқаролик, миллатлараро ва конфессиялараро тинчлик ҳамда тотувликни мустаҳкамлаш;

давлатнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг жанговар қудрати ва салоҳиятини ошириш;

атроф-табiiй муҳит, аҳоли саломатлиги ва генофондига зиён етказадиган экологик муаммоларни олдини олиш;

фавқулодда вазиятларни олдини олиш ва бартараф этиш тизимини такомиллаштириш.

Стратегик Дастурга берилган шарҳга кўра, «Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритиш» деб номланган бешинчи йўналиш доирасида республиканинг конституциявий тузумини, суверенитетини, ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилишга доир чора-тадбирларни рўёбга чиқариш, киберхавфсизлик соҳасида ахборот, норматив-ҳуқуқий асослар тизимини такомиллаштириш, аҳолини фавқулодда вазиятлардан хабардор қилиш тизимини ташкил этиш ва ривожлантириш, Орол фожиасининг оқибатларини юмшатиш, шунингдек Миллатлараро муносабатлар соҳасидаги сиёсатнинг устувор йўналишлари концепциясини ҳамда Диний соҳадаги давлат сиёсати концепциясини ишлаб чиқиш назарда тутилмоқда.

Шу билан бирга, хорижий ҳамкорлар билан сиёсий-дипломатик соҳадаги ҳамкорликни ривожлантиришга доир «Йўл хариталари»ни ишлаб чиқиш, Ўзбекистоннинг хорижий ҳамкорлар билан 2017 йилга мўлжалланган савдо-иқтисодий, инвестициявий, технологик ва молиявий-техник ҳамкорлигини тубдан ривожлантириш ва кенгайтириш режалаштирилган.

Дастурда кўрсатилган бандларга мувофиқ ўтган йил мобайнида юртимизда қуйидаги ишлар амалга оширилди дейиш мумкин:

Хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш соҳасида:

2016 йил 16 сентябрь куни ЎРҚ 407 сонли Ўзбекистон Ички Ишлар органлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Қонуни эълон қилинди, ҳамда, 2017 йил 17 март санасидан бошлаб кучга кирди;

Қўшни республикалар билан чегараларни қайта делимитация ва демаркация қилишга келишиб олинди;

Қўшни Республикалар билан алоқалар янада яхшиланди, ҳамда ўзаро ҳамкорлик бўйича шартномалар имзоланди.

Хусусан, Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевнинг расмий ташрифи доирасида эса, Ўзбекистон – Қозоғистон ҳамкорлигининг турли соҳаларига доир 10 дан зиёд ҳужжат имзоланди. Давлат чегараларида ўтказиш пунктлари ва автомобиль йўллари реконструкция ва модернизация қилиш, сувга оид муносабатлар соҳасида ҳамкорлик, энергетика соҳасида ҳамкорлик, контрабанда ва божхона қонунчилиги бузилишига қарши курашишда ҳамкорлик, темир йўл соҳасида стратегик ҳамкорлик тўғрисидаги ҳужжатлар шулар жумласидандир.⁵(2017 йил, 16 сентябрь)

Қирғизистон Президентининг расмий ташрифи якунида савдо-иқтисодий муносабатларга доир 140 миллион долларлик шартномалар имзоланди;⁶ (2017 йил 5-6 октябрь)

Афғонистон Ислом Республикаси Президенти Муҳаммад Ашраф Ғанининг ташрифи доирасида эса, сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт-коммуникация, фан, таълим ва бошқа соҳаларда ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга қаратилган 20 ҳужжат имзоланди. (2017 йил 4 – 7 декабрь)

⁵ <http://www.press-service.uz/uz/lists/view/1045>

⁶ <http://www.press-service.uz/uz/lists/view/1341>

Қўшни Тожикистон Республикаси Президентининг мамдакатимизга расмий ташрифи кузатилмаган бўла-да, икки давлат раҳбарлари телефон орқали бир неча бора ўзаро суҳбатлар олиб бордилар, халқаро саммитларда ўзаро келишувларга эришилди. Араб мусулмон мамлакатлари ва АҚШ саммити (2017 йил 5 май), ШХТнинг Остона саммити (2017 йил 9 июнь), МДХ Ҳукумат раҳбарлари кенгашининг Сочидаги саммити (2017 йил 10-11 октябрь) МДХ Ҳукумат раҳбарлари кенгашининг мажлиси (2017 йил 2 ноябрь) шулар жумласидандир. Бунинг натижаси ўлароқ 2017 йилнинг апрелида 25 йиллик танаффусдан сўнг Душанбе ва Тошкент ўртасидаги авиақатнов яна тикланди. 2017 йилнинг 15 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида Тожикистон Республикасининг фавқулодда ва мухтор элчиси Содиқ Имоми билан учрашув бўлиб ўтди, бу эса икки давлат ўртасидаги муносабатларнинг янги босқичга кўтарилганидан далолат беради. Ташриф давомида Ўзбекистон-Тожикистон Давлат чегараларини делимитация ва демаркация қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси ва Тожикистон Республикаси ҳукумат делегациялари ишчи гуруҳларининг навбатдаги учрашуви амалий масалалари муҳокама қилинди.⁷

Умумий қилиб айтганда, хавфсизлик ва барқарорлик бўйича имзоланган шартномалар-у келишувларнинг сони кўп бўлиб, биз юқорида фақатгина қўшни давлатлар ўртасидаги муносабатларни тилга олдик, холос.

Шавкат Мирзиёев мамлакат президенти вазифасини вақтинчалик бажараётганида у Ўзбекистон ташқи сиёсатидаги бош устувор вазифалардан бири — ўз мамлакати манфаатлари чамбарчас боғлиқ бўлган Марказий Осиё минтақаси давлатлари билан алоқаларни мустаҳкамлаш эканлигини айтиб ўтган эди лавозимида киришган дастлаби кунларданок, «Биз ўзимизнинг энг яқин қўшниларимиз — Туркменистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон билан очик, дўстона ва прагматик сиёсат олиб боришга содиқ қоламиз», — деган эди. Келтирилган маълумотлар эса, айнан мана шу йўналишда олиб борилаётган оқилона сиёсатнинг натижасидир.

Миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик соҳасида.

ЮНЕСКО бош конференциясининг 1995 йил 16 ноябрда бўлиб ўтган XXVIII йиғилишида “Бағрикенглик бўлмаса, тинчлик бўлмайди, тинчликсиз эса тараққиёт ва демократия бўлмайди” шиори остида “Бағрикенглик тамойиллари Декларацияси” қабул қилинган эди. Мустақилликнинг илк кунларидан айнан мана шу шиор остида ўз ислохотларини олиб бораётган давлатимиз бугунги кунда ҳам ушбу тамойилларга амал қилмоқда.

Ҳаракатлар Стратегиясининг биринчи босқичида ушбу соҳада қуйидаги ишлар амалга оширилди:

2017 йил 24 январь куни Республика байналмилал маданият марказининг 25 йиллиги муносабати билан миллий маданий марказларнинг бир гуруҳ фаолларини мукофотлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони эълон қилинди.

⁷ http://kun.uz/Ўзбекистон_ва_Тожикистон_чегара_масалалари_бўйича_музокаралар_ўтказди

Ўзбекистон «Human Rights Watch» ҳуқуқни ҳимоя қилиш ташкилоти билан мулоқотни қайтадан йўлга қўйди, кўп йиллар мобайнида биринчи марта БМТнинг эътиқод эркинлиги ҳақидаги масалалар бўйича махсус маърузачиси Аҳмад Шоҳид республикага ташриф буюрди.

2017 йил 18 октябрь куни Анжуманлар саройида “Ислом ҳамжиҳатлиги: Ўзбекистон-Озарбайжон мисолида” мавзусида халқаро илсий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Қолаверса, ўтган йил мобайнида Бухоро вилоятида “Ҳадис мактаби”, Фарғона вилоятида “Фикҳ мактаби” фаолияти йўлга қўйилди.

«Ҳаж» ва «Умра» тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида ПҚ № 1031 сонли Президент қарори қабул илинди ҳамда ушбу муборак сафарга борувчилар таркибини аниқлаш янаад такомиллаштирилди

2017 йил 29-30 апрель кунлари 130 дан зиёд православ христианлар Исроилнинг Иерусалим шаҳрига зиёрат учун бориб келдилар.

Дин ишлари бўйича кўмитанинг берган маълумотларига биноан, 2017 йилда Ўзбекистон Республикасида жами 2221 та диний ташкилотлар мавжуд. Улардан 2065 та исломий, 157 та христиан ташкилотлари, 8 та яҳудий, 6 та баҳоий жамоаси, 1 та Кришна жамияти ва 1 та Будда ибодатхонаси фаолият кўрсатаётгани қайд этилган.(2-илова)

Хулоса қилиб айтилганда, Ўзбекистон ҳатто Иккинчи жаҳон уруши даврида ҳам умуминсоний қадриятларга содиқлигини намоён қилиб, бағрикенглик тамойилларини кўрсата олдикерак бўлса, бутун дунёга намуна бўлди. Шу боис, ушбу ишларни амалга ошириш ўзбек халқининг қон-қонига сингиб, уни ўз Конституцияси, қонун ва қонуности ҳужжатларида, ҳаттоки, 5 йилга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегияси дастурига киритди. Бу эса, халқ бундан буён ҳам ўз менталитетига хос бўлган ишларни амалга оширишдан тўхтамаслиги ҳамда буни бутун дунёга тарғиб қилишидан далолат беради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси. (Universal Declaration of Human Rights). – 1948. – 8 б.
2. Диний бағрикенглик тамойиллари тўғрисидаги Декларация.(The Declaration of principles of religious tolerance). – 1996.
3. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2016. – 40 б.
4. Ўзбекистон Республикасининг қонуни.«Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида» - 1998 йил, 1 май.
5. 2017— 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар Стратегияси Дастури.
6. Каримов И.А. – “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: Хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёти кафолатлари” Т.: Ўзбекистон, 1997.
7. Мирзиёев.Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 48 б.
8. Тулепов А. “Ислоҳ ва ақидапараст оқимлар”. тўлдирилган нашр. Масъул муҳаррир Шайх Абдулазиз Мансур. – Т.: “Шарқ”, 2014
9. Global terrorism index- USA. 2017. – 118 б.

Интернет сайтлари

1. www.lex.uz
2. www.press-service.uz
3. www.uzA.uz
4. www.kun.uz
5. www.religions.uz
6. www.economicsandpeace.org